



«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» хакида икки огиз сўз

«Тузуки Темурий» («Темур тузуклари»), «Малфузоти Темурий» («Темурнинг айтганлари») ва «Вокиоти Темурий» («Темурнинг бошидан кечирганлари») номлари билан аталмиш бу асар эътиборга молик тарихий манбалар жумласидан. «Эътиборга молик» дегани-мизнинг боиси шуки, унинг нусхалари (кўлёмалари хам, тошбосмалари хам) кўп таркалган. «Темур тузуклари»ни бугун жахоннинг кўпгина мамлакатларида, масалан, Совет Иттифоки, Англия, Франция, АКШ, Финляндия, Дания, Эрон, Хиндистон, Туркия, Миср, Яман кутубхоналаридан топса бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, кайси бир асар кимматли, амалда зарур бўлса, ундан кўпрок нусха кўчирилган. «Темур тузуклари» хам шундай. У кўпрок сохиби тожларга керак бўлган. Шунинг учун хам ҳукмдорларнинг кўпчилиги бу ва шунга ўхшаш асарлардан нусха кўчиртириб, шахсий кутубхоналарида асраганлар ва ижтимоий-сиёсий фаолиятларида улардан муҳим йўл-йўрик сифатида фойдаланганлар. Масалан, буюк ватандошимиз Захириддин Мухаммад Бобурнинг авлоди Шох Жаҳон (1628—1657), Кўкон хони Мухаммад Алихон (1821 — 1842) ва Бухоро амири Абдулахадхон (1885—1910) чапдаст котибларига буюриб, «Темур тузуклари»дан ўзлари учун нусха кўчиртирганлари маълум. Кўчирганда хам зўр масъулият ва кунт билан кўчирганлар. Хиндистонлик муаррих Абдулхамид Лохурийнинг (1654 й. вафот этган) «Подшонома»сида (мавлвий Кабириддин Аҳмад ва Абдурахимлар амалга оширган нашр, Калкутта, 1866-1872 й., I жилд, 288-саҳифа) бундай гап бор: «Хижрий 1047 (милодий 1637—38) йили Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатий деган шахс Шох Жаҳонга «Тузуки Темурий»нинг форсийча таржимасини такдим этган. Подшо таржима билан танишиб чикиб, уни Декан фавждори (кози калони), истеъдодли ёзувчи Мухаммад Афзал Бухорийнинг (1651 ёки 1652 й. вафот этган) кўлига тутказган ва Шарафуддин Али Яздийнинг (1454 й. ва-фот этган) машхур «Зафарнома» асарига солиштириб ва камчиликлари бўлса, тузатиб, хаттот ва муаррихлари ўзидан кўшган ортикча жойлари бўлса ўчириб ташлашни буюрган. «Темур тузуклари»нинг шу кунларгача етиб келган кўлёмза ва тошбосма нусхалари ўша Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатий таржимаси асосида яратилган. Бу — биринчидан. Иккинчидан, мазкур асар XVIII асрдан бери (балки, анча бурунроқдир, лекин бу ҳақда кўлимизда маълумот йўқ) дунё олимларининг диққат-эътиборини қозониб келади. Масалан, асарнинг матни, тадқиқот ва зарур илмий изоҳлар билан 1783 йилда Англияда, 1785 ва. 1891 йилда Хиндистонда, 1868 йили Эронда чоп этилди. Асар жаҳон тилларидан бир нечтасига: француз (1787), инглиз

(1830), урду (1845), рус (1894,1934) ва эски ўзбек (1835,1857, лекин тўлик эмас) тилларига таржима килиниб, нашр этилди. Унинг тошбосма нусхалари (Техрон— 1868, Тошкент — 1890 ва х.к.) ҳам кенг тарқалган.

Кизик, бу тасодифийми ёки конунийми — билмадим, «Темур тузуклари» ҳам, Ўрта Осиё заминиди яратилган кўпгина ажойиб асарлар сингари, аввал ўзга юртларда, хусусан, Европада шухрат топди.

«Темур тузуклари» — подшоларнинг туриш-турмуш ва ахлоқ-одоб нормаларини белгиловчи рисоладир. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда жахон тарихида машхур фотиҳ, саркарда ва истеъдодли давлат арбоби сифатида ном қолдирган Амир Темурнинг етти ёши (1342)дан то вафоти (1405 йил, 18 февраль) қадар кечган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, аниқроқ қилиб айтганда, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиш, феодал тарқоқликка барҳам бериш ва марказлашган давлат тузиш, кўшни юрт ва мамлакатларни, масалан, Эрон ҳамда Афғонистонни ўз тасарруфига киритиш, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон (1376—1395), бутун Европага кўркув ва дахшат солган Туркия султони Боязид Йилдирим (1389—1402)га қарши ва ниҳоят, буюк жаҳонгирнинг Озарбайжон, Грузия ва Хиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисм жаҳонгирнинг номидан айтилган ва унинг тоғу тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панд-насихатларидан иборат. Унда давлатни идора қилишда қимларга таяниш, тоғу тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва кўшин бошлиқларини сайлаш, сипохийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва кўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тоғу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва бошқалар хусусида гап боради.

Таъбир жоиз бўлса айтмоқчиманки, «Тузук» ёзиш одати Амир Темурдан аввал ҳам бўлган, кейин ҳам. Бу одат аслида хитойлардан ва турк-мўғул хонларидан қолган. Масалан, турк хоконларидан қолган «Конуннома», Чингизхондан қолган «Билик», Хондамир (1474—1535) ёзган «Конуни Хумоюн», Рузбехон (1458—1521 ёки 1530) нинг қаламига мансуб бўлган ва шайбонийлардан Убайдуллахоннинг топшириги билан ёзилган «Сулук ал-мулук» (Подшоларга йўл-йўриқ) шулар жумласидандир. Бундай асарларда давлатни идора қилиш тартиб-қоидалари, турли мансаб эгалари вазифалари, хайри садақа қилиш тартиби, солиқ солиш ва уни тўплаш тартиби, ҳарбий юришларни ўтказиш ва кўзголонни бостириш қоидалари баён этилади.

Мутахассис олимларнинг (А. А. Семёнов, Ч. Ръе, Э. Г. Браун ва бошқалар) сўзларига қараганда «Темур тузуклари» бошда туркий тилда ёзилган ва унинг бир нусхаси Яман ҳокими Жаъфар пошанинг қутубхонасида сақланган. Юқорида номи тилга олинган Мир Абу

Толиб ал-Хусайний ат-Турбатийнинг форсийча таржимаси ана шундай туркийча нусхалардан бирига асосланган, албатта.

Асарнинг муаллифи маълум эмас. Бутун воқеа бир шахс — Амир Темур номидан ҳикоя қилинади. Аслида шундайми ёки Амир Темур айтиб турган, қотиб ёзиб олганми, ё бўлмаса унинг айтганларини қимдир жамъ қилиб қитоб тузганми, бу ҳақда қатъий бир фикр айтиш қийин. Шарқ мамлакатларида бу машхур асар чиндан ҳам Амир Темур тарафидан ёзилганлиги ва унинг таржимаи холи эканлиги эътироф қилинади. Чунончи, Сомийнинг «Комус ул-аълум» (Истанбул, 1891. 1727- бет) асарида Амир Темур «Тузукот» унвонли қонунлар мажмуасини қаламга олиб, унда ўзининг таржимаи холини баён этган»

дейилган. Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги урушлар тарихини ёзган француз шаркшуноси М. Шармуа ва рус харбий тарихчиси М. И. Иванин (1801—1874) «Тузуклар»ни Амир Темур ўзи ёзган ва у мухим автобиографик асар, деб айтганлар. Бирок европалик бошка бир гуруҳ олимлар (Э. Г. Браун, Ч. А. Стори, В. В. Бартольд) «Темур тузуклари»ни сохта асар, уни Амир Темур ёзмаган, дейдилар. А. Ю. Якубовскийнинг фикрича, асар XVIII асрда Хиндистонда ёзилган. Инглиз олими Ч. А. Стори юкорида номи зикр этилган Мир Абу ал-Хусайний ат-Турбатийни асар муаллифи деб тахмин килган. Хуллас, кандай бўлмасин, асарни Темур ёки бошка одам ёзганлигидан катъий назар, у сохта эмас, балки чин асардир. Агар унда баён этилган воқеаларни Низомиддин Шомийнинг Амир Темур тарихини ўз ичига олган машхур «Зафарнома»си ёки Шарафуддин Али Яздийнинг шу номдаги асари билан солиштирилса, бунга тўла ишонч хосил килиш мумкин. Масалан, Шарафуддин Али Яздий шундай ёзади: «...шу тартибда улхазрат (Амир Темур) хаётининг улуг воқеалари ва кечинмаларини ўз ичига олган туркий манзума ва форсий асар, алохида-алохида назм ва [наsr] тарзида тузилган эди».

«Темур тузуклари» хам феодализм жамияти шароитида битилган бошка асарлар сингари хукмрон синфнинг мақсад ва манфаатларини кўзлаб ёзилган, ўша синфнинг дунёкарашини ифода этган. Асарда Амир Темурнинг харбий юришлари бузук, одамларнинг кўпайишининг олдини олувчи харакат деб, ўз озодлиги ва ватанининг мустакиллигини химоя килган халклар эса кофир, бузгунчи, безори (авбош) деб аталган. Тобеликдан бўйин товлаган ёки шунга интилган не-не юртларнинг халки «ок уйлик» килиниб, ўзга юртларга мажбуран кўчириб юборилган. Темурнинг ўзи эса одил ва инсонпарвар подшо сифатида тасвирланади, унинг шахси кўп жихатдан идеаллаштирилади.

Шунга карамай, асарда фан учун мухим маълумот ва фактлар кўп. Авваламбор, «Темур тузуклари» Амир Темурнинг тарихи, унинг замонида, аникроги, 1342—1405 йиллар орасида Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий ахволи, Темур ва темурийлар давлати хамда кўшинининг тузилиши, ўша йилларда Темур давлатининг кўшни мамлакатлар ва халклар билан бўлган муносабатлари хақида хикоя килади. Мен юкорида бу асарда мухим ва оригинал маълумотлар кўп, деб айтдим. Буни мутахассисгина эмас, балки асарни холис ва синчиклаб ўқиган хар бир киши бемалол илгаб олиши мумкин. Шундай бўлса хам улардан айримларини мисол тарикасида кайд этиб ўтамыз.

Асарда айтилишича, давлат асосини ўн икки ижтимоий тоифа:

- 1) саййидлар, уламо, машойих, фозил кишилар;
- 2) ишбилармон, донишманд одамлар;
- 3) художўй, таркидунё килган кишилар;
- 4) нўёнлар, амирлар, мингбошилар, яъни харбий кишилар;
- 5) сипох ва раият;
- 6) махсус ишончли кишилар;
- 7) вазирлар, саркотиблар;
- 8) хакимлр, табиблар, мунажжимлар, мухандислар;
- 9) тафсир ва хадис олимлари;
- 10) ахли хунар ва санъатчилар;
- 11) сўфийлар;
- 12) савдогар ва сайёхлар ташкил этади. Унинг тақдирини эса уч нарса: подшо, хазина ва аскар хал килади.

Иккинчи мисол. Кўшин асосан ўн, юз, минг ва туманга бўлинган, ўн кишилиқ харбий бўлинма тепасида турган бошлиқ — ўнбоши, юз кишилиқ қисмининг бошлиғи — юзбоши, минг кишилиқ кўшин етакчиси — мингбоши, туман бошлиғи нўён деб аталган. Асарда уларнинг ҳақ-хуқуқлари, ойлиқ маоши ҳам аниқ кўрсатилган. Масалан, оддий сипохий минган отининг баҳоси баробарида, баҳодирлар 2—4 от баробарида, ўнбоши қарамоғидаги аскарга нисбатан икки баробар кўп, юзбоши ўнбошидан икки баробар ортиқ маош олишган. Мингбошиларнинг маоши эса юзбошиникидан уч баробар ортиқ бўлган.

Учинчи мисол. Амир Темур ўзининг улкан империясини улусларга бўлиб идора қилди. Мовароуннахрдан бошқа унинг тасарруфида бўлган барча вилоят ва мамлакатлар тўрт улусга бўлинди. Темурнинг тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгирга бир вилоят билан 12 минг кишилиқ кўшин, иккинчи ўғил Умар Шайхга Форс вилояти ва 10 минг аскар, учинчи ўғли Мироншоҳга Озарбайжон, Ирок ва Арманистон билан 9 минг кишилиқ кўшин, кенжа ўғли Шохруҳга Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сеистон билан 7 минг аскар берилди. Лекин улуслар гарчанд марказий ҳукуматга итоат этсалар-да, маълум мустақилликка эга эдилар. Улус ҳукмдорларининг алоҳида давлат аппарати, мустақил кўшини бўлиб, уларнинг марказий ҳукуматга тобелиғи хирожнинг бир қисмини Самарқандга юбориб туриш ва олий ҳукмдор харбий юришлар уюштирганда ўз кўшини билан қатнашиш ёки олий ҳукмдор талаб қилганда аскар юбориб туришдан иборат эди.

Тўртинчи мисол. «Тузуклар»да вазирлар, амирлар ва волийлар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилган. Масалан, Темур давлатини етти нафар вазир:

- 1) мамлакат ва раият ишлари бўйича вазир (бош вазир);
 - 2) вазири сипоҳ, яъни харбий ишлар бўйича вазир;
 - 3) эғасиз қолган мол-мулкларни тасарруф этиш ишлари вазири;
 - 4) салтанатнинг қирим-чқим ишларини бошқарувчи вазир, яъни молия ишлари вазири;
 - 5, 6, 7) сарҳад (чегара) вилоятларининг ишларини назорат этиб турувчи вазирлар.
- «Вазирлар,— дейилади «Тузуклар»да,— салтанат устунларидир... [улар] мамлакат ободончилигини, раиятнинг тинчлигини, сипоҳларнинг бирлигини, хазина бойлигини доимо кўзда тутадилар. Давлат, салтанат ишларини юзага чиқаришда қамчиликка йўл қўймайдилар. Салтанатга зарарли нарсаларни қайтаришда молу жонини аямайдилар».

Амирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовор. «Тузуклар»да келтирилган маълумотларга қараганда, амирлар асосан харбий қишилар бўлишган ва Амир Темурга тобеъ бўлган қирқ аймақдан ўн иккитаси: барлос, аргин, жалоир, тулкичи, дулдой, мўгул, сулдус, тўғой, қипчоқ, арлот, тотор ва тархонлар ичидан сайлаб олинган. Амирлик рутбаси Амир Темур фаолиятининг дастлабки пайтларида у билан бирга бўлган 313 қишига берилган. Булардан юзтаси — ўнбоши, юзтаси — юзбоши, юзтаси — мингбоши, тўрттаси — бекларбеги, биттаси — амир ул-умаро (амирлар амира: бош амир) бўлган. Қолган саккиз мансаб, фикримча, сарой хизматида бўлган мансабдорлардан баъзи бирларига берилган бўлиши қерак. Булардан бошқа яна ўн икки қишига биринчи, иккинчи... ўн биринчи, ўн иккинчи даражали амир деган унвон берилган. Ун иккинчи даражали амир одатда амир ул-умаронинг ноийби ҳисобланган. Ўн икки амирнинг хар бирига биттадан байроқ ва биттадан ногора, амир ул-умарога бир байроқ, ногора, туман — 10 000 қишилиқ кўшин, туг ва чортуғ, тўрт нафар бекларбегининг хар бирига биттадан байроқ, ногора, чортуғ ва бургу берилган.

«Тузуклар»да вазирлар, амирлар ва ҳокимларга бериладиган инъомлар ҳақида ҳам

гапирилган. Масалан, кайси бир амир бирон кўшинни енгса ёки мамлакат олса уни уч нарса:

- 1) туг, ногора ва баходирлик мартабаси;
- 2) давлат кенгашларига бемалол кириш ҳукуки;
- 3) бирон сарҳаднинг ноиблиги билан сийлаганлар.

Расмий маросимларда, яъни подшонинг олий мажлисларида ўлтириш тартиби хақида маълумотлар ҳам диккатга сазовор. Айтилишича, саййидлар, козилар, уламо, фузало, машойих, улуг ва олий табақадаги кишилар подшонинг ўнг тарафидан, амир ул-умаро, бекларбегилар, амирлар, нўёнлар, сардорлар, улус, тумонот ва кўшунот амирлари, шунингдек, мингбошилар, юзбошилар, мансаб ва мартабаларига қараб, подшонинг сўл тарафидан ўрин олганлар. Девонбеги ҳамда вазирлар — тахт рўбарўсидан, калонтарлар, кадхудола — вазирларнинг орқасидан жой олганлар. Баходирлар, қиличбоз йигитлар — тахт орқасида, унинг ўнг тарафидан, қоровул-лар — тахт орқасида, унинг чап тарафидан ўрин олганлар ва хоказо.

Маълумки, Темур тузган кўшин ўзининг стратегик ва тактик маҳорати билан ўша даврнинг энг муқаммал ва қучли армияларидан ҳисобланади, унинг ташкилотчиси ва етакчиси эса тажрибали мохир саркарда сифатида шухрат топди. «Темур тузуклари»да ўша кўшиннинг тузилиши, қуролланиши, ҳарбий санъати хақида муҳим маълумотлар келтирилган. Хусусан, унинг жанг олдида сафга тизилиши ва жойлаштирилиши хақидаги маълумотлари ниҳоятда қимматлидир. Темур кўшинининг ўз даврига нисбатан нақадар муқаммал бўлганлиги асарнинг Фотих Каримов матбаасида 1307 (1889—90) йили чоп этилган нусхасига илова қилинган карталардан ҳам яққол кўриниб турибди. «Тузуклар»да Амир Темур даврида алоҳида ундириладиган солиқ ва жарималар хақида ҳам эътиборга молик маълумотлар бор. Ўша вақтларда солиқ тўловчи халқдан хирож, молу жихот, совурин, кўналга, бож, шилон пули сингари солиқ ва жарималар ундирилган. Солиқ ва жарималарни йиғиш ва харж қилишга алоҳида эътибор берганлар. «Хирожни йиғиш вақтида,— дейилади ушбу асарда,— икки вазир тайинлансин. Бири тўпланган молни ёзиб раият ахволини текшириб турсин, бож олувчилар фуқарога зулм қилиб, уларнинг ахволига ҳароблик етказмасинлар. Вилоятларда йиғилган тамом мол-ашёни қирим дафтарига ёзишлари лозим. Иккинчи вазир эса чиким дафтарига ёзиб, йиғилган моллардан сипоҳ маошига тақсим қилсинлар». Шунинг ҳам айтиш керакки, хирож баъзан сугориладиган ерлардан олинган ҳосилнинг учдан бир қисми, ёмғир суви билан битган ерларда умумий даромаднинг тўртдан бир қисми ҳажмида тўпланган. Мен яна «Темур тузуклари»да тилга, олинган иккита масала устида қисқа тарзда тўхтаб ўтмоқчиман:

1. Асарда «турк-тожик» деган иборани икки-уч ерда, биринчи мақолада ҳам, иккинчи мақолада ҳам учратдик. Бунда Темур ва теурийлар давлатига қарашли ўлкаларда туркий халқлар билан ёнма-ён тожиклар ҳам истикомат қилганликлари, улар ҳам бу давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида роль ўйнаганликлари кўриниб турибди.
2. Яна бир-икки жойда, хусусан, Амир Темур фаолиятининг дастлабки даври билан боғлиқ воқеалар баёнида, «ўзбеклар», «ўзбеклар жамоаси» деган атама ва иборалар учрайди. «Тузуклар»да айтилишича, улар ўша вақтларда ҳам Мовароуннаҳрда истикомат қилганлар, маҳаллий аҳолига, жабр-ситам ўтказганлар ва гўёки Темур улар билан қурашган. Бу ерда, чамаси, бир вақтлар, аниқроғи, Ботухон замонидан (1227—1255), 1251 йилдан бошлаб, Чигатой улусининг қарбий қисми (Мовароуннаҳр) Олтин Ўрданинг

харбий-сиёсий таъсири остига тушиб колган кезларда, Дашти Кипчокдан шу ўлкага кўчиб келиб колган уруглар ва кабилалар хусусида гап бораётганга ўхшайди. Рашид уд-Диннинг (XIII аср) «Жомеъ ут-гаворих» ҳамда Ўтамиш хожининг «Чингизнома» (XVI аср бошида) асарида бу ҳақда ишончли маълумотлар бор. Маълумки, Дашти Кипчок аҳолиси, аникроги, унинг Ок ўрда ва Шайбон улусида истикомат қилган қисми XIV — XV асрларда ёзилган тарихий асарларда «ўзбек» номи билан аталган. Бундан ўзбеклар XIV-XV асрларда пайдо бўлган халқ экан, деган фикр-хаёлга бормаслик керак. Ўзбеклар ҳам, Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар сингари қадимий халқ. Улар ҳам бактрияликлар, сўғдийлар, шошликлар, хоразмликлар ҳамда парканаликларнинг авлоди хисобланадилар, лекин бошқа халқларда ҳам бўлгани каби, фақат уларнинг (ўзбекларнинг) номи кейинроқ пайдо бўлган. Бу — ҳаётий ҳақиқат. Одатда, халқнинг тарихи номидан бирмунча олдин юради. Буни мутахассис олимлар яхши биладилар. Ёки бу гаплар — «ўзбеклар», «ўзбеклар жамоаси» деган гаплар — асар форс тилига таржима қилинган пайтда юқорида номи зикр этилган Шох Жахоннинг кўрсатмаси билан кўшиб кўйилган бўлиши ҳам мумкин, чунки Бобурийларнинг Шайбон авлоди ва кўчманчи ўзбекларга муносабати бизга яхши маълум.

Асарнинг ўзбекча таржимаси дастлаб «Гулистон» ойномаси саҳифасида чоп этилган. Лекин бу воқеа бундан қарийб 25 йил муқаддам — 1967 йили бўлган. Ўша таржима шарқ тилларининг билимдони Алихон Тўра Соғуний (1885—1976) тарафидан бажарилган эди. Мазкур таржима, таржимоннинг ўз сўзига қараганда («Гулистон», 1967, № 1, 16—17-саҳифалар), Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бош идорасининг кутубхонасида сақланаётган нусха асосида амалга оширилган эди. Лекин мазкур нашр билан яқиндан танишганимизда унинг бир қатор жузъий камчиликлари аниқланди: биринчидан, ўшанда Алихон Тўранинг таржимаси маълум сабаблар билан тўла тарзда чоп бўлмаган экан. Иккинчидан, таржима эски ўзбек тилида бўлиб, уни бу тилдан хабарсиз киши махсус лугатларсиз ўқиб тушуниши қийин. Учинчидан, Алихон Тўра таржимасининг тушириб қолдирилган жойлари ҳам аниқланди ва ниҳоят, унинг кўп жойлари эркин таржима қилинган; матндан чиқиб кетиш холлари ҳам учрайди. Тўртинчидан, кўп ўринларда номлар ва атамалар нотўғри ёзилган. Домланинг таржимасини қайтадан нашр этиш масаласи ўртага қўйилганда унинг мана шу камчиликларини бартараф қилиш зарур деб топилди. Ана шу мақсадда «Тузуқлар»нинг юқорида қайт этилган таржимаси асл нусха (Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмаси, инв. № 8201) ҳамда унинг хижрий 1285 (милодий 1868) ва хижрий 1307 (милодий 1889—1890) йилларда чоп этилган тошбосма нусхалари билан солиштирилди ва Алихон Тўра Соғунийнинг таржимаси жиддий равишда тузатилди. Бу ўта оғир иш истеъдодли ёш шарқшунос олим Хабибулло Қароматов тарафидан бажарилди. Асарнинг мазкур нашри юқоридаги нусхалар асосида қайтадан таржима қилинди, десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Тарихий ва жугрофий изоҳлар Б. Аҳмедов, Амир Темур шажараси эса Х. Қароматов тарафидан тузилди. Бу таржима «Шарқ юлдузи» ойномасининг 1989 йилдаги 8- сонидан ўқувчиларга тақдим этилган эди. «Темур тузуқлари»нинг ушбу нашрида эса журналхонларнинг мулоҳазалари ҳисобга олиниши билан бирга, матн мавжуд қўлёзма ва тошбосма нусхалари билан яна бир бор қиёслаб чиқилди, лозим топилган ўзгаришлар киритилди.

Нима учун аввал Темур ва темурийлар тарихига оид бошқа асар эмас, балки «Темур тузуқлари» чоп этилаёпти деган савол тугилади. Биринчидан, бу фақат Амир Темурнинг таржимаи ҳолидан иборат асар эмас, балки Мовароуннахрнинг ҳали яхши ўрганилмаган

карийб 60 йиллик ижтимоий-сиёсий тарихи хамдир. Иккинчидан, бу асар Амир Темур асос солган нисбатан марказлашган феодал давлатнинг тузилиши, XIV асрда жахонга дахшат солган Темур кўшинининг таркибй, феодал мунбсабатлари ва бошка илмий масалаларни ўрганишда мухим манба ролини ўташи мумкин. Кблаверса, у Темур шахсининг накадар зиддиятли эканлигини очиб берадиган асардир.

Фикримча, бу асарни чоп килиб тўгри иш килинаётир. У авваламбор, тарихий ўтмишни билишни истаган кўп сонлик ўқувчи хошиш-истагининг инобатга олинингидир.

Бўривой Ахмедов

БИРИНЧИ МАКОЛА ТАДБИРЛАР ВА КЕНГАШЛАР

Ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора килиш, ганим лашкарларини синдириш, душманни тузokka тушириш, мухолифларни [кўнглини овлаб] дўстга айлантириш, дўст-душман орасида муомала, мурсою мадора килиш хусусида ушбу тадбир ва кенгашларни кўлладим.

Пирим Зайниддин Абубакр Тойбодий менга ёзмишларким, «Абулмансур Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал килгин, яъни

- 1) кенгаш;
- 2) машварату маслахат;
- 3) катъий карор, тадбиркорлик ва хушёрлик;
- 4) эхтиёткорлик.

Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча килган ишлари ва айтган гаплари ри бўлган жохил одамга киёс килиш мумкин; унинг айтган сўзлари ва килган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанат бошқаришда машварату маслахат ва тадбиркорлик билан иш юргизгин, токи окибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан. Шуни хам билишинг керакким, салтанат ишларининг бир кисми сабру токат билап булгай. яна бир кисми билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур. [Хуллас] бажарилиши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан сўнг [шунини таъкидлаш лозимки] катъийлик, сабр, Чидамлик, соглиу сергаклик, эхтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилур. Вассалом».

Мактубда ёзилмиш сўзлар эса салтанат ишларида мен учун энг тўгри йўлбошчи эди. Шунга кўра давлат ишларининг тўккиз улуши кепгаш, тадбир ва машварат, колган бир улуши эса килич билан бажо келтирилишини англадим. [Донишмандлар] демишларким, ўз ўрнида килинган тадбир билан саноксиз лашкар киличи ожизлик килган хар кандай мамлакат дарвозасини очиб, беҳисоб лашкарни енгиб бўлур.

Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва ишжоат сохиби, азми катъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, локайд кишилардан яхшидир.

Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради. Мен яна тажрибамда кўрдимки, ганим лашкарини енгиш кўшиннинг кўплиги билан эмас, маглуб бўлиш эса сипохининг камлигидан бўлмайди. Балки голиб бўлмоклик [тангрининг] мадади ва бандасининг тадбири биландир. Чунончи, мен икки юз кирк уч киши билан кенгашган ва тадбир юритган холда Карши калъаси устига юрдим. Амир Мусо ва Малик баходир ўн икки минг отлик аскар билан калъа ва унинг атрофини кўрикламокда эдилар. Тангри таолонинг ёрдами етиб, узим кўллаган тўгри тадбирларим оркали Карши калъасини кўлга киритдим, сўнг Амир Мусо ва Малик баходир ўн икки минг отлик аскар билан устимга бостириб келиб мени Карши калъасида камал килдилар. Мен тангрининг мадади ва иноятига ишониб, тадбиркорлик ва эhtiёткорлик ишлатган холда калъадан чикдим ва [душман билан] бир неча маротаба жанг килдим. Пировардида шу икки юз кирк уч йигитим билан ўн икки минг отлик ганим лашкарини маглубиятга учратдим ва уларни бир неча фарсанг ергача кувиб бордим.

Яна менинг тажрибамдан ўтмишким, гарчи ишнинг кандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, акли расо ва хушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмок лозимдир. [Шу сабабли] пайгамбаримиз Мухаммад, унга тангрининг мархаматлари ва саломлари бўлсин, саллоллоху алайхи васаллам айтганларидек, хар ишни кенгашган холда килдим. Хар вақт кенгашчилар йигилиб, мажлис очилар экан, яхши-ёмондан, фойда-зиёндан, олдимиздаги ишларни килиш-килмасликдан сўз очиб, улардан фикр сўрар эдим. Буларнинг сўзларини эшитгач, ишнинг хар икки томонини мулохаза килиб, фойда-зиёнларини кўнгилга келтирардим. Айникса, ул ишни хатарли томонларига кўпроқ эътибор берардим. Агар икки хатарлик [ёки] бир хатарлик ишларни килишга тўгри келгудек бўлса, икковидан баробар кутулиш чораси топилмагач, бир хатарлигини ихтиёр этардим. Бунга мисол, Дашти Жете амирлари Туглук-Темурхонга карши исён тугини кўтардилар. Бу хусусда Туглук-Темурхон мендан маслахат сўради. Агар ганимни тор-мор этгали лашкар юборса икки хатар, ўзи борса бир хатар борлигини билдириб, унга йўл-йўрик кўрсатдим. Менинг кенгашим билан даштга, исёнчилар устига ўзи бориб эди, барча ишлари мен айтганимдай бўлиб бажарилди.

Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўгри тадбир кўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан кутулиб чикиш йўлларини мўлжаллаб кўяр эдим. Уни тўгри тадбир, катъий жазм, чинлик-чидамлик кўрсатиб, эhtiёткорлик билан узокни кўриб, ортини ўйлаган холда охирига етказардим.

Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш эгалари бирлик, иттифоклик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Килмокчи бўлган ишларини килмасдан колдирмасинлар. Агар бирор ишни килмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасинлар.

Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — юракдан чиккани. Тил учида айтилганини [шунчаки] эшитардим. Юракдан айтилган маслахатни эса калбим кулогига куярдим ва дилимга жойлардим.

Агар [ганим устига] лашкар тортмокчи бўлсам, уруш-ярашдан ўртага сўз ташлаб, амирларим кўнгилларининг бу икковидан кай бирига мойиллигини билишга интилардим. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрардим, агар урушга мойил бўлсалар, унинг нафъ ва фойдасини яраш зиёнига таккослаб кўрардим, кайси бири фойдалирок бўлса, шуни ихтиёр килардим. Сипохни иккилантирадиган [турумсиэ] кенгашни эшитишдан сакланардим. Кайси киши аклга сиккан бир ишни куйиниб гапирса, суйиб эшитар эдим. Кимки окилона гапларни эрларча кескинлик билан

сўзласа, унга ҳам кулок солардим. Хар кимдан сўз олиб кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган хар бир маслахатнинг яхши ва ёмон томонлари хакида ўйлаб кўргач, тўгри ва савоблирогини танлаб олардим.

Чунончи, Чингизхоннинг набираси Туглук-Темурхон Мовароуннахр мамлакатини босиб олиш касдида кўшин тортиб, Хўжанд сувидан кечиб ўтгач, менга, амир Хожи барлос ва амир Боязид жалойир номига ёрлик жўнатиб, унинг хузурига боришимизни талаб килганди. Улар мен билан кенгашдилар. Ўз эл-улуслари билан Хуросонга кетиш ёки Туглук-Темурхон олдига бориш хакида маслахат сўрадилар. Мен уларга шундай йўл кўрсатдим: Туглук-Темурхоннинг хузурига борсангиз икки фойда, бир зиён бордир. Хуросон томонга ўтиб кетишнинг [эса] икки зиёни, бир фойдаси бордир, дедим. Улар менинг кенгашимга кирмай [эл-юрти билан кўчиб] Хуросон томонга кетдилар. Мен ҳам Хуросонга ёки бўлмаса Туглук-Темурхоннинг олдига бориш-бормаслигимни билмай иккиланиб колдим. Шу хол асносида пирим (Тойбодий)дан маслахат сўраб хат ёзган эдим, ушбу мазмунда жавоб ёзиб юборибдилар: «Тўртинчи халифа [хазрати Али ибн Абу Толибдан], унга тангрининг караму мархамати бўлсин, бир киши сўрабдики, осмон — камон, ер — камон ипи, ходисалар [ва офату кулфатлар эса] ўк бўлса, инсонлар ул ўк-ёйларга нишон бўлса, отгучи-худойи таоло бўлса, унинг кудрати яна ҳам улуг бўлсин, одамлар керга ҳам кочадилар? Халифа жавоб килиб, одамлар тангрининг кошига кочсинлар,— дебдилар. Шунга ўхшаш сен ҳам хозир Туглук-Темурхоннинг олдига кочгил ва кўлидаги ўк-ёйини тортиб олгил». Бу жавоб келиши билан кўнглим кўтарилиб, юрагим бундан кувват олди ва Туглук-Темурхон кошига боришга ахд килдим. Лекин бирон ишни килмокчи бўлсам, кенгашиб олга, кейин Куръондан фол очардим ва Куръон хукми билан иш килур эдим. Туглук-Темурхон олдига боришдан аввал Куръондан варақ очсам «Сураи Юсуф алаихи-с-салом» чикди ва Куръони мажид хукмига амал килдим.